

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнур Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

- 67.Уразова Р.**
МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАРДУШТИЙЛИК ИЛОҲИЁТ
ТИЗИМИ ГЕНЕЗИСИ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....511
- 68.Улашова С.**
АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАНБАЛАРИДА
ҚАВЧИНЛАР.....526
- 69.Aminova A.M., Umarov J.O.**
BOLALARDA VATANPARVARLIK TUYG'USINI
SHAKLLANTIRISHNING YOSHGA BOG'LIQ XUSUSIYATLARI.....533
- 70.Усманова З., Тишабаева Л.**
ҚЎҚОН ЖАДИД МАТБУОТИ ТАРИХИНИНГ
АЙРИМ САҲИФАЛАРИ.....537
- 71.Қобулов Э., Ражабова С.**
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА СУРҲОН
ВОҲАСИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ БУЮК ҲИССАСИ.....541
- 72.Ходжаева Л.Ш.**
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АЁЛЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ БОШ
КИЙИМЛАРИДА ЁШ ДАВРИ ТИМСОЛИНИНГ АКС ЭТИШИ.....548
- 73.Ходжамбердиев Х.Э.**
СОБИҚ ИТТИФОҚ ЖАМИЯТИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ЗИДДИЯТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ.....554
- 74.Erqo'ziyev A.A., Isoqov S.M.**
BUXORO AMIRLIGI SAVDOSI HORIJY MANBALARDA562
- 75.Қурбонов Э.Э.**
ЎЗБЕКНИНГ ТУРКМАН УРУФИ (Зомин туркманлари мисолида).....567
- 76.Юлдашева М.М.**
БУНЁДКОР ВА ВАЙРОНКОР ҒОЯЛАР: МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАРИ.....572
- 77.Хосиятов Х.О.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ.....577
- 78.Хакназаров Х.Д.**
КУНДАЛИК ҲАРБИЙ ҲАЁТ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ
ОБЪЕКТИ СИФАТИДА: НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАР.....583
- 79.Хатамова З.Н.**
ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИГА ТЎЛДИРИЛГАН
ХАЗИНАНИНГ САРФ ЭТИЛИШИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР.....590

80.Холмўминов Ҳ.Э. ЎЗБЕКИСТОНИНГ ЖАНУБИЙ ВОҲАЛАРИДА АҲОЛИНИНГ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ -XX АСР БОШЛАРИ).....	596
81.Худойқулов Т.Д., Халилов Ж.С. ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА ЕР ЭГАЛИГИ, ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО.....	604
82.Ўтанов Х.Ш. XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИ АҲОЛИСИНINГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИ ТАРИХИДАН.....	615
83.Эгамбердиева Н.А., Шапсанова Н.Б. ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ТАРИХИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДАГИ БАЁНИ ВА ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ МАСАЛАЛАРИ.....	625
84.Юлдошева Б.М. XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА АТРОФ-МУҲИТ МАСАЛАСИГА ЁНДАШУВЛАР ТАРИХИДАН (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	636
85.Ғаффоров Я.Х. ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ХОРИЖИЙ ТАРИХЧИЛАР ТАҲЛИЛИДА.....	643
86.Шайдуллаева Г.Ш. БАҚТРИЯ ЛАЗУРИТИНИНГ ҚАДИМИЙ МЕСОПОТАМИЯ ШАҲАРЛАРИГА ТАРҚАЛИШИ ҲАҚИДА ЁЗМА ВА АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАР.....	651
87.Yakubova Sh.A. O'ZBEKISTONDA FARMATSEVTIKA RIVOJLANISH TARIXIDAN.....	659

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Усманова Зулфия,


"Иқтисодиёт" кафедраси катта ўқитувчиси,
Фарғона политехника институти,
Zulfiyaxon16.04@mail.ru

Тишабаева Лола,

"Ўзбекистон тарихи" кафедраси катта ўқитувчиси,
Фарғона политехника институти, Lolaxon28.11@mail.ru

ҚЎҚОН ЖАДИД МАТБУОТИ ТАРИХИНИНГ АЙРИМ САҲИФАЛАРИ

For citation: Usmanova Zulfiya, Tishabaeva Lola. SOME MILESTONES OF THE PRESS HISTORY OF THE KOKAND JADIDES. Look to the past. 2020, SI, pp. 537-540

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-70>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллифлар Қўқон жадид матбуотининг айрим саҳифаларини ёритишган. Тадқиқот доирасида тегишли адабиётлар ўрганилган. Мақола шу пайтга қадар халқаро доирада нашр этилган ишларга қўшимча материал бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: жадидлар, Туркистон, Қўқон жадид матбуоти, газета "Садойи Фарғона", Георгий Павлюченко, Шоислом Шоаҳмедов.

Усманова Зулфия,

Старший преподаватель кафедры "Экономика",
Ферганский политехнический институт, Zulfiyaxon16.04@mail.ru

Тишабаева Лола,

Старший преподаватель кафедры "История Узбекистана",
Ферганский политехнический институт, Lolaxon28.11@mail.ru

НЕКОТОРЫЕ ВЕХИ ИСТОРИИ ПРЕССЫ КОКАНДСКИХ ДЖАДИДОВ

АННОТАЦИЯ

В данной статье авторы освещают некоторые вехи истории прессы кокандских джадидов. В рамках исследования изучена соответствующая литература. Статья послужит дополнительным материалом к ранее опубликованным международным работам в этой области.

Ключевые слова: джадиды, Пресса кокандских джадидов, газета "Эхо Ферганы", Георгий Павлюченко, Шоислом Шоахмедов

Usmanova Zulfiya,

Senior Lecturer, Department of Economics,
Ferghana Polytechnic Institute, Zulfiyaxon16.04@mail.ru

Tishabaeva Lola,

Senior Lecturer, Department of History of Uzbekistan,
Ferghana Polytechnic Institute, Lolaxon28.11@mail.ru

SOME MILESTONES OF THE PRESS HISTORY OF THE KOKAND JADIDES

ABSTRACT

In this article, the authors highlight some milestones in the history of the press of the Kokand Jadids. The study studied the relevant literature. The article will serve as additional material to previously published international works in this area.

Index Terms: jadids, Kokand Jadids Press, Echo Ferghana newspaper, Georgy Pavlyuchenko, Shoislom Shoahmedov.

Долзарблиги. Маълумки, XX - асрнинг бошларида Туркистон жадидлари тазйиқ ва зўравонликлар остида вақтли матбуот орқали ҳалқни миллий зулмга қарши эрк ва озодлик учун курашга чорловчи гоъларни кенг тарқатдилар.

Булар орасида Қўқон жадид матбуотининг фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Туркистоннинг йирик сармоядорларидан бири бўлган Обиджон Абдухолиқ ўғли Маҳмудов Фарғона тараққийпарварларининг илғор вакилидир.

У Петербург Университетини тамомлаган бўлиб, ҳалқимиз орасидан етишиб чиққан биринчи тоғ-кон муҳандиси эди. "Унинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида 1914 йили Қўқонда босмахона ташкил қилинади ва Фарғона жадидларининг "Садойи Фарғона" газетаси нашр этила бошлайди. Мазкур босмахонада "Садойи Фарғона" билан бирга рус тилида "Ферганское Эхо" газетаси ҳам нашр этилади" [1].

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёзилган. Унда Қўқон жадидларининг 20 аср бошидаги фаолияти ёритилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси кенг деб таъкидлашимиз лозим, маҳаллий олимлар томонидан, жумладан профессор Р.Шамсутдиновнинг "Тарихий меросимизга бир назар" (Андижон. "Мерос", 1994); "Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар" (Т., "Шарқ".2001), Шухрат Ризаев "Жадид драмаси" (Т.Шарқ, 1997); "Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақил тараққи?т учун кураш". (Тошкент, "Университет", 1999.), "Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида" ("Шарқ", Т., 2000), "Марказий Оси?

XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик)" (Т., "Маънавият", 2001), хорижий олимлардан А.Самойлович, Г.Туркестанский ва бошқалар томнидан ўрганилган[4],[5].

3. Тадқиқот натижалари:

Обиджон Маҳмудов "Садойи Фаргона" газетасига ёзган мақолаларида янги усулдаги таълимни жорий этиш, унда техника фанларини ўрганиш замона талаби туфайли заруратга айланаётганлигини исботлашга ҳаракат қилган"[2].

Газетанинг 1914 йил 2-июль сонида "Андижонда овмачилик" номли мақоласида турмушда учрайдиган айрим нопок, ярамас иллатлар очиқ - ошкора фожия қилинган. "Садойи Фаргона"нинг 1915 йил 2-январь сонидаги "Нафсоният қаҳрамони" сарлавҳали мақолада эса Андижонда амалга оширилаётган хайрли, ибратли ишлар ҳикоя қилинади.

Шунингдек, газетанинг 15 май сонида Ашурали Зоҳирийнинг "Туркистонда биринчи юрист" мақоласи чоп этилиб, унда Тошкентдан Қўқонга келиб қолган Тошпўлатбек Норбўтабек ўғли ҳақида гап борар эди. Ўзбеклардан биринчи бўлиб, дунёвий фанлар бўйича европача усулдаги олий маълумотга эга бўлган бу зиёлининг ҳаёти ўзгаларга намуна сифатида тарғиб қилинган.

Газета саҳифаларида нафақат маҳаллий жадидлар, балки илғор фикрли рус журналистларининг ҳам ҳукуматга қарши руҳда ёзилган мақолалари чоп этилган. Бундай рус инқилобчиларидан бири Георгий Павлюченко бўлиб, у 1914 йили Москва эсерлари таркибида яширин иш олиб борган. Ўша йили қамоққа олинган ва Туркистонга сургун қилинган. 1915 йили Қўқонга келиб "Садойи Фаргона" газетасида ишлай бошлаган ва ўша йили ҳукуматга қарши қаратилган "Утро Ферганы" газетасини чиқара бошлаган.

Газета ноширлари сафида собиқ талабалар - эътиқоди бўйича социал-демократ Шоислом Шоахмедов, Болотин, Зубарев ва бошқалар бўлиб, улар Павлюченко бошчилигида "Утро Ферганы" газетаси обуначилари сонини ошириш учун ҳокимиятга қарши, уларнинг сиёсатига қарши мақолалар чоп эта бошладилар. 1915 йилнинг декабрида газета муҳаррири Львов сўл қарашдаги мақолаларни ёритгани учун 3 ойга қамалгач, муҳаррирлик ҳуқуқи Павлюченко қўлига ўтади. 1916 йил январидан газетанинг номи "Ферганская жизнь" деб ўзгартирилган бўлса, 4 апрелдан бошлаб "Туркестанский край" номини олди"[3].

Мустамлакачи маъмурлар Тошкент, Андижон ва Қўқон каби йирик маъмурий марказларда кучайиб бораётган "Тараққийпарвар" фирқаси нашрлари таъсиридан қўрқиб, 1916 йил 16 октябрдан 3,5 ой олдин ёпиб қўйилган "Туркестанский край" газетаси яна нашр қилина бошлади. Унинг муҳаррири ўзбек адвокати Шоислом Султон Шоахмедов бўлиб, муҳарририят ходимлари илғор фикрли рус зиёлилари эдилар.

Манбаларда таъкидланишича "Қўқон шаҳридаги "Ғайрат" деб аталмиш маҳаллий маърифатчилар жамияти Андижонда нашр этилаётган "Туркестанский голос" газета таҳририяти "Ғайрат" жамиятига ўзининг хусусий нашр органини Андижонда эмас, балки Қўқонда "Туркестанский край" газетаси таҳририяти раҳбарлигида чиқаришни таклиф қилди".

Сиёсий разведка бошлиғи Волков ўзининг 1916 йил 4 ноябрдаги генерал губернатор номига юборган махфий ахборотида газета учун пулни Қўқон биржа қўмитаси бераётганлиги ва бу маблағ газета фаолиятини кенгайтиришга сарфланаётганлиги ҳақида хабар беради.

4. Хулосалар:

1917-1918 йилларда Туркистон мухторияти ҳукуматининг ташкил топиши билан Қўқон жаҳид мактаби муаллими журналист Ашурали Зоҳирий "Эл байроғи" газетасига муҳаррирлик қилиб, мухторият ғояларини, миллий давлатчилик ғояларини халқ ўртасида тарғибот қилди.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон жаҳид матбуоти сафидан салмоқли ўрин олган Қўқон жаҳид матбуоти ўз даврининг маърифат ва миллий истиқлол жарчисига айланди. Мустамлака зулмидаги ўлканинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий ҳаётини ўзида яққол акс эттирди. Шунингдек, Қўқон жаҳид матбуоти ҳам ҳозирги кундаги мустақил, тинч фаровон турмушимизнинг маънавий-маърифий пойдеворига ўз хиссасини қўша олди деб, айтиш мумкин.

Иқтибослар/Сноски/References:

[1]Unforgettable personalities. Representatives of the Jadid movement. Т. "Academy", 1999, p.17.

[2]Radjabova D. New lifestyle ideas in the pages of the newspaper Sadoyi Fergana. Materials of the republican scientific-theoretical conference "Ferghana Valley in the Uzbek statehood". Ferghana 2004, p. 62.

[3]New history of Uzbekistan. I. Turkestan during the period of Tsarist Russia. Т. Sharq, 2000, p. 298.

[4]Samoilovich A. The First Secret Society of Young Bukhara // East: Journal of Literature, Science and Art, Book 1. Petersburg, 1922, pp. 97-99.

[5]Turkestan G. About a historical document // Communist Thought, - 1926.- No. 2, - S. 196-198; He is. Who were the Jadids? // Communist Thought. - 1926.- No. 1, - S. 197-213; No. 2.- S. 135-148; He is. Who were the Jadids. - Tashkent, 1926 .-22 p.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000